Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 8 февраль, шанба • № 12 (10.890) • Эркин нархда сотилади

## ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИ





6 февраль куни Тошкентда Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, республика фонд биржаси фаолиятини такомиллаштириш ва фонд биржасида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги мажлис кун тартибига қўйилган масалалар мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга моликдир, деди Президент. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилаб, мақсадларимизни яна бир карра аниқлаб олиб ҳаракат қилишимиз лозим. Бу эса ислоҳотларнинг босиб ўтилган дастлабки босқичларига назар ташлашни, хусусан, 1996 йил якунларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этишни, йўл қўйилган ҳато ва нуқсонларни бартараф этиш йўлларини излашни тақозо этади. Чунки ислоҳотлар узлуксиз, мураккаб жараёндир. Шу маънода жорий йил вазифаларини ўтган йиллардан ажратиб олиб алоҳида белгилаб бўлмайди.

Иқтисодиётни янги тизимга ўтказиш, бозор муносабатларини шакллантириш борасида эришилган энг катта натижа -- бу одамлар онгида рўй берган ўзгаришдир, уларнинг меҳнатга, мулкка бўлган янгича муносабатидир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Лекин ҳамон кўпчиликда, айниқса турли бўғин раҳбарларида янгиликни қабул қила билмаслик, боқимандалик кайфияти мавжуд. Биз бу сарқитлардан халос бўлмас эканмиз, кутилган натижаларга эриша олмаймиз.

Республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазир ўринбосарлари -- молия вазири Б. Ҳамидов, Давлат мулк қўмитаси раиси В. Чжен, мазкур қўмита раисининг биринчи ўринбосари А. Абдуқодиров мажлис кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ахборот берди. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки вакили И. Каваниши, техникавий ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи К. Третнер, «ДЭУ корпорейшн» ижрочи директори, компаниянинг Марказий Осиё минтақаси бўйича президенти Чонг Хи Чу, «Файз» ҳиссадорлик жамияти бош директори М. Азимова мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, уларни янада чуқурлаштириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиётни қарор топтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, одамлар онгида мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, боқимандалик кайфиятларига тезроқ барҳам бериш иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари экани мажлисда таъкидланди.

Идоралараро кенгаш ва унинг комиссиялари таркибига қисман ўзгартиришлар киритилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ё. Жалолов қатнашди.

**(ЎзА).**

**Суратларни А. ТЎРАЕВ тасвирга олган**

*Бугун — Алишер Навоий таваллуди куни*

## НАВОИЙ ВА САҲНА САНЪАТИ



Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида «Алишер Навоий ва саҳна санъати тараққиёти муаммолари» мавзуида Навоийхонлик илмий-назарий анжумани ўтказилди. Унда адабиётшунос ва санъатшунос олимлар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таниқли олимларнинг Алишер Навоий ва рақс санъати, «Садди Искандарий» достонининг саҳнавий талқини, шоирга бағишланган спектаклларнинг телевизион тимсоллари каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Навоий ғазалларига басталанган мақомлар ижро этилди. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъати институти талабаларининг Навоий асарлари асосида яратган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўтган йили шоир таваллуди кунига бағишлаб «Навоий ва санъат» мавзуида анжуман ўтказилган эди, — дейди санъатшунослик институти директори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков. — Ўшанда бу мавзуни атрофлича тадқиқ қилиш тавсия этилганди. Бугунги илмий-назарий анжуман бу борадаги изланишлар натижаси бўлди. Зеро, Навоий образи, Навоий мероси мусиқа, саҳна, кино санъатимиз билан ҳам узвий равишда боғланган. Шу боис «Навоий ва кино санъати», «Навоий ва ўзбек тасвирий санъати» каби мавзуларда конференциялар ўтказиш кўзда тутилмоқда. Навоий ва мусиқа санъати масалаларига келганда шуни айтиш кераккки, шоир болалик чоғлариданоқ алифбо сабоқлари билан бирга ўша даврнинг машҳур бастакори, хонанда ва созандаси Хўжа Юсуф Бурхондан мусиқа таълимини олган.

**Б. МАНСУРОВ.**
**ЎзА мухбири.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:




Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

## КАЛАВАНГИЗ СИФАТИ УЧУН, РАҲМАТ!

ВИЛОЯТДА 55 тага яқин хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган. Бундай ҳамкорликни йўлга қўйишда қўшма корхоналар ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, «Туйтепа-Кобул-текстиль» қўшма корхонасининг дастлабки маҳсулотлари жўнатилган 3 та чет эл фирмаларидан «Калавангиз сифати учун, раҳмат», деган мазмунда миннатдорчилик мактублари олинди.

**Саид ВАЛИЕВ.**

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАДАЛЛАШДИ

ИҚТИСОДИЙ таҳлиллар ўтган йили вилоятимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасида ишлар аввалги йиллардагига қараганда анча жадаллашганини кўрсатди. Жумладан, 1995 йилдаги мавжуд 2089 хусусий корхона ёнига яна 673 та қўшилди.

Пайчилар жамиятлари эса 3 тага ортиб, 365 тани ташкил этди. Мазкур корхоналар 436 миллион сўмлик пайларини сотишга муваффақ бўлдилар. Бу кўрсаткич 1995 йилдагига қараганда анча кўпдир.

**Саид САИДАҲМЕДОВ.**

## ЧЕВАРЛАРГА ИШ ТОПИЛДИ

«Қибрай деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти тадбиркорлари ўз фаолиятларини тобора кенгайтириб бормоқдалар. Улар ташаббуси билан яна бир тикувчилик цехи ва тегирмон ишга тушди. Натижада, йигирмадан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Ҳозир цехда кунига 500 жуфтдан ошиқ қўлқоп тикилмоқда. Яқин вақтлар ичида чеварлар турли кийим-кечаклар, жумладан, жинси шимлар, костюмлар, никоҳ кўйлаклари тикишни ҳам йўлга қўймоқчилар.

**Ш. ЮСУПОВ.**

## КУН ТАРТИБИДА — СОЛИҚ КОДЕКСИ

***ШУ йил 5 февраль куни вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган Республика Солиқ кодекси лойиҳасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятимиздан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлар, вилоят ҳокимлиги бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этдилар.***

***Семинарни вилоят ҳокими Э. РЎЗИЕВ бошқарди.***

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бюджет, молия ва банк масалалари бўйича қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги рақобатни кучайтириш ва демонополлаштириш бошқармаси бошлиғи муовини Эркин Гадоевлар солиқ кодексини шакллантиришда АҚШ, шунингдек, ривожланган бошқа хорижий мамлакатлар тажрибаси кенг ўрганилганлиги, шу кунгача республикамизда солиқ сиёсати билан боғлиқ бўлган қарорлар уйғунлаштирилгани хусусида гапириб бердилар. Улар кодекснинг моҳияти ҳақида ҳам батафсил тўхталдилар ва бу ҳужжатдаги айрим моддалар мазмунини кенгроқ шарҳлаб бердилар.

Шундан кейин А. Аҳадов, Э. Гадоев ҳамда анжуман иштирокчилари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатаулин, республика Давлат солиқ қўмитасининг юридик шахсларни солиққа тортиш департаменти директори Ж. Абдуллаев, Тошкент вилояти ҳокимлиги истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими муовини Б. Ҳосиловлар семинар қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Айни пайтда анжуман қатнашчилари мазкур кодекс солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни юқори поғонага кўтаришга хизмат қилишини, ҳужжатда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари, бурчлари, масъулиятлари аниқ ифода этилганлигини таъкидладилар ва уни янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва истаклар билдирдилар.

Республика Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатаулин анжуманда билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар қўмитада батафсил ўрганилиб, улардан муҳимлари лойиҳага киритилажаклигини ҳамда Олий Мажлис эътиборига ҳавола этилишини маълум қилди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

## ТАДБИРКОРЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИНИНГ ДАРҒАЛАРИДИР

***МАЪЛУМКИ, шу йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика Президенти Ислом Каримов раислигида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши ва уни янада чуқурлаштириш, 1996 йил якунлари ва 1997 йилда бу борадаги устивор вазифалар муҳокама қилинган эди. Ўтган куни Тошкент вилояти ҳокимининг шахсан ташаббуси билан вилоят ҳокимлигида деҳқон-фермер хўжаликлари раислари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, туман ҳокимлари, банклар ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.***

***Йиғилишни вилоят ҳокими Э. РЎЗИЕВ бошқарди.***



Суратда : учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Учрашув иштирокчилари, республика Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда республика Президенти қайд этганидек, қишлоқ хўжалиги ривожининг келажаги деҳқон-фермер хўжаликларини янада юксалтиришга, уларнинг оёққа туриб олишлари учун зарур ёрдам кўрсатиш ва ҳимоялаш кафолатига, техника, эҳтиёт қисмлар, маъданли ўғитлар, уруғликлар, чорвачилик учун ем ва бошқа зарур озуқалар билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришга, хом ашё етиштирадиган жамоалар билан кимё, агросервис, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлашга боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Учрашувда фермерлардан Юқоричирчиқ туманидан А.Абдураимов, Паркент туманидан Э.Холмонов, Пискент туманидан К.Сотиболдиев, Қибрай туманидан Қ.Хожиев, Оққўрғон туманидан Б.Исроилов, Янгийўл туманидан А.Солиев, Бўстонлиқ тумани деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси К.Тўлаганов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ҳар бир нотиқ мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг моддий манфаатдорлигини таъминлашни яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирди. Шунингдек, деҳқон меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани, моддий манфаатдорлик тамойилларига етарли эътибор берилмаётганлиги, мулкий пайни жорий этишда сусткашлик ва лоқайдлик тугатилмаётганлигини танқид қилдилар.

Фермер хўжаликларининг ривожланишига турли тўсиқлар йўл бермаяпти. Натижада, жойлардаги деҳқон ва фермерлар ҳақиқий мулкдорларга айланиши қийин кечмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликларига хизмат қилаётган тармоқлар, идоралар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида ҳамон ечимини топмаётган муаммолар кўп. Деҳқон топширган маҳсулоти учун вақтида ҳақини ололмаяпти. Қишлоқ хўжалиги учун маъданли ўғит ва техника ажратишга муносабатни кескин ўзгартириш, ижтимоий ривожланиш мақсадлари учун кредитлар беришни йўлга қўйиш, деҳқон-фермерлар билан иш олиб бораётган банк тизими фаолиятини тартибга солиш пайти келди. Ҳар бир фермер ўзаро шартномалар асосида ўз маҳсулотини кимга, қанча ва қандай нархда сотишини аниқ билиши зарур. Тадбиркорлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги яна бир муаммо унга агросервис хизмати кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмлар таъминотида эканлигига эътиборни қаратиб, бу масалани машина-техника парклари (МТП) ташкил этиш билангина изчил ҳал қилиш мумкин эканлигини, шу йўналишдаги ишни тезлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Вилоят ҳокими учрашувга якун ясади ва қишлоқ тадбиркорлари айтган таклиф ва мулоҳазаларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун тегишли ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйди. Иш бошлаётган фермерларнинг оёққа мустаҳкам туриб олишлари учун имтиёзли ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус жамғарма ташкил этиш ҳақида таклиф билдирди. Йиғилиш вилоят ҳокимлиги қошида деҳқон (фермер) хўжаликларига тегишли ёрдам берадиган доимий кенгаш тузишга қарор қилди. Шунингдек, бугунгидай учрашувларни ҳар ойда мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди.

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 январда бўлиб ўтган йиғилиши қарорида матбуот, радио ва телевидение зиммасига қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид масалалар бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориш вазифаси юклатилган эди. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси таҳририяти ушбу қарор асосида ўз саҳифаларида тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётган таъминот, тайёрлов, қайта ишлаш ташкилотлари фаолиятини изчил ёритиб бориш мақсадида махсус «ТАДБИРКОРЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИНИНГ ДАРҒАЛАРИДИР» деган янги рукн очди. Ушбу рукн остида мунтазам тарзда қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш мавзусида таҳлилий мақолалар, хабарлар, ҳаётий лавҳалар бериб борилади. Газетанинг бугунги сонида иккинчи ва учинчи саҳифаларда ана шу мавзудаги дастлабки мақолаларни ўқийсиз.***

## «МУНОЖОТ»НИ ОЛҚИШЛАШДИ

ИНСОН яралибдики, қўшиқ унга ҳамнафас бўлиб, қалбига хушнудлик улашиб келади. Ўзбек халқи қўшиқсиз ҳаётни тасаввур қилолмайди. Шу боисдан қўшиқ санъатига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Қўшиқчи санъаткорлар орасида турли кўриклар ва беллашувлар ўтказиш эса анъанага айланмоқда.

Яқинда ана шундай қўшиқ кўрик-танловларидан бири Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида бўлиб ўтди. Кўрик-танлов «Юртим баҳори» деб номланиб унда вилоятимизнинг барча туманларидан ташриф буюрган бир қанча истеъдодли қўшиқчилар ва фольклор этнографик халқ дасталари ўз куй ҳамда қўшиқлари билан иштирок этишди.

Бу кўрик танловда туманимиздаги маданият уйи қошида ташкил этилган Баҳринисо Пардахўжаева раҳбарлигидаги «Муножот» фольклор этнографик халқ дастаси мустақил юртимизни мадҳ этувчи қўшиқлари, яллалар ва лапарлари билан томошабинлар таҳсинига сазовор бўлди ва танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## АССАЛОМ, «НАВРЎЗ-97»

Шу йилнинг 10 февралида пойтахтимизда Амир Темур таваллудига бағишланган «Наврўз-97» театр санъати фестивали тантанали очилади. Ана шу муносабат билан Матбуотчилар уйида журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг президенти Бернора Қориева фестивалда иштирок этувчи ижодий жамоалар, намойиш этиладиган асарлар ва фестиваль меҳмонларини кутиб олиш ва уларга керакли шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

— Фестивал давомида саккизта вилоят театрлари, пойтахт театрлари жамоалари ва бир неча қўшни республикалардан келган театр жамоаларининг асарлари намойиш этилиши режалаштирилган, — деди М. Абдуқундузов. — Биз бу ажойиб байрам иштирокчилари ва меҳмонларини кутиб олишга тайёрмиз. Фестивал ғолибларини, энг яхши эркак ва аёл роллари ижрочиларини, шунингдек, фестиваль ишини энг яхши ёритган журналистларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Конференция сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

**Зарифа АШУРОВА.**

